

## FOREIGN QUARANTIN DISEASES OF CHRISTMAS GULING

q / x.f.f.d. Y.H. Buranov, Ph.D., AB Mambetnazarov, G.Kh. Turamuradova  
Izdavkarantin Inspection  
Plant Quarantine Scientific Research Center

### Abstract:

The article describes the spread of quarantine diseases, damage and quarantine measures of chrysanthemum flowers and the damage caused by pathogens.

### Keywords:

Chrysanthemum, pathogen, quarantine diseases, smallpox, leprosy, spread, damage, quarantine measures

Хризантема (*Chrysanthemum*) кўп йиллик доривор ўсимликлардан бири ҳисобланади. Гулчилик соҳасининг ривожланиши ва дориворлик хусусиятига эга ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш бўйича кенг куламли ишларни олиб борилиши, ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир қиладиган зарарли организмларнинг турларини аниқлаш ва ҳимоя чораларини ишлаб чиқишни тақоза этади. Хризантема гулига катта зарар етказиши мумкин булган ташқи карантин касалликларини ўрганиш ва карантин чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамитга эга. Хризантема гулининг ташқи карантин касалликлари ҳисобланган гулнинг паканалик, оқ занг ва сариқ касалликлари республикада ташқи карантин объекти ҳисобланади.

**Хризантеманинг паканалик касаллигини *Chrysanthemum stunt viroid*** вируси келтириб чиқаради. Бу касаллик хризантеманинг барча турлари, қашқаргулдошлар оиласи ва бошқаларни зарарлайди, ўсимликларнинг барча қисмлари зарарланади ва ўсишдан орқада қолади. Бу касаллик дастлаб 1945 йилда АҚШда аниқланган, 1945-1947 йилларда кучли даражада ривожланган ва зарар етказган, барча жойларига тез тарқалган.

Ҳозирги вақтга келиб, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Туркия, Жанубий Африка, Уганда, Канада, АҚШ, Бразилия, Белгия, Чехия, Германия, Италия, Голландия, Норвегия, Швеция, Англия, Уэлс, Австралия, Янги Зеландия давлатларида тарқалган.

Бу касаллик билан касалланган ўсимликлар эрта гуллайди. Шу сабабли кесилган гул етиштирувчилар ва тувакда гул ўстирувчилар ушбу касалликдан катта иқтисодий зарар кўради. Хризантеманинг паканалик касаллиги асосан гуллар, кўчатлар ва қаламчалар орқали тарқалади.



1-расм.Хризантеманинг паканалик касаллиги билан касалланган ва соғлом гуллар

**Карантин чора тадбирлар.** Хризантеманинг паканалик касаллиги тарқалган ҳудудлардан уруғлик материаллари, кўчат ва қаламчаларни олиб келишни тақиқлаш; гулларни импорт қилишда карантин тадбирларга қатъан амал қилиш; паканалик касаллиги билан зарарланган хризантема етиштирилаётган иссиқхона ва очиқ далалар аниқланса, зудлик билан карантин чора-тадбирларини қўллаш, ўсимлик қолдиқлари ва илдизларини майдондан ташқарига чиқариб ёқиб йўқ қилиш зарур ҳамда ушбу ҳудудларда сўрувчи зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини ҳам олиб бориш зарур бўлади. Паканалик касаллиги билан зарарланган майдонларга бошқа бошқа ўсимлик турларини, яъни бу касаллик билан касалланмайдиган ўсимлик турларини экиш тавсия этилади.

**Хризантема гулининг оқ занг касаллиги.** Касалликни кўзгатувчиси *Puccinia horiana* P. Hennings замбуруғи бўлиб, Европа, Осиё, Африка, жанубий ва шимолий Американинг 50 дан ортиқ давлатларида, Австралия ва Океания ҳамда Янги Зеландияда тарқалган. Хризантема оқ занг касаллиги асосан барглари, айниқса ёш барглари кучли даражада зарарлайди, поя ва гулларни эса кам зарарлайди.

Касалликнинг кўзгатувчиси хризантема ўсимлигининг зарарланган кўчатлари, қаламчалари ва кесилган гуллари билан тарқалади. Табиатда патоген шамол, қушлар, ҳашаротлар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари билан, ҳаттоки гулларга сув сепиш орқали ҳам касаллаган ўсимликдан соғломларига ўтиш йўли билан тарқалади.



2-расм. Хризантемани гулининг оқ занг касаллигини зарари

**Карантин чора тадбирлар.** Хризантеманинг оқ-ранг занг касаллиги мавжуд мамлакатлардан экиш материаллари, кўчат ва қаламчаларни олиб келишни ман қилиш; гулларни импорт қилишда карантин тадбирларга амал қилиш; фиалофороз касаллиги билан зарарланган чиннигул етиштирилаётган иссиқхоналар аниқланса, зудлик билан уни зарарсизлантириш чораларини кўриш, ўсимлик қолдиқлари, илдизларини майдондан ташқарига чиқариб ёқиб, йўқ қилиш талаб этилади. Ушбу карантин касаллик билан зарарланган майдонларга гуллар экилиши ман қилинади, ўрнига бошқа ўсимлик турларини экиш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган Адабиётлар

1. Буриёв Х., Абдурахмонов Л, Жононбекова А. Гулчилик. Т. Мехнат 1999 238 б.
2. Ветрова Е.В., Бондаренко-Борисова И.В., Проноза Л.М.
3. Исследование микозного заболевания садовых хризантем в коллекции Донецкого ботанического сада НАН Украины // Научные ведомости Серия Естественные науки. 2015. № 15 (212). Выпуск 32 С. 45-50.
4. Кияткин А. К.. Ҳаваскор гулчиларга маслаҳатлар Т.: «Мехнат», 1987. Б. 56
5. Недолужко А.И. Белая ржавчина хризантем в Приморском крае //Защита и карантин растений М. 2008 С. 52-53.

April, 25th 2021

6. <https://www.lex.uz/docs/5177479>
7. <https://www.researchgate.net/publication/322598420>